

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 22 октябрь, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (11.268)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг навбатдаги саломатлик поездини ташкил қилишда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳам бевосита иштирок этди. Орол минтақасига йўл олган саломатлик поездига 92 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари ортилган бўлиб, улар таркибда кийим-кечак, пойабзаллар, халқ истеъмоли моллари билан бирга сув чиқарувчи қўл насослари ҳам бор. Бу қурилмалар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда қўл келади.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида «Қирғизистон — Санта-Клаус мамлақати» деб номланган янги сайёҳлик дастурининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир катнашчиларига «Қирғизистон — туризм мамлақати» ва «Қирғизистон — Санта-Клаус мамлақати» видеофильмлари намойиш этилди, шунингдек, Қирғизистоннинг диққатга сазовор жойлари, тарихи, маданияти, табиати — туристик салоҳияти ҳақида хикоя қилувчи диск ва буклетлар тарқатилди.

Тошкентда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганлигига 15 йил тўлиши муносабати билан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи «Гивандликка қарши экстрим» VI ёшлар фестивали ўтказилди. Фестивалда 6 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўсмирлар уч кун мобайнида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Термиз шаҳридаги ўқувчилар ижодиёти марказида «Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган ўйинчоқлар, дидактик материаллар ва методик қўлланмалар» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўчқудуқлик тадбиркор Кайирбой Динбаев Томди туманида жойлашган Қамишбулоқ туз қонидан юқори сифатли ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ўчқудуқ-савдо» акционерлик жамияти кўмагида келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда уч тонна туз ажратилиб, йодланган ҳолда истеъмолчиларга етказилмоқда.

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасида вилоят адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан «Вояга етмаганлар билан ишлашда ювенал адолиянинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

Россия Федерацияси Арманистон ва Озарбойжон президентларининг Тоғли Қорабоғ масаласи бўйича ўзаро учрашувини ташкил этишга бош қўшмоқда.

Испания ҳукумати Кубага «Айк» ва «Гу-став» тропик тўфон келтирган зарарларни қоплаш учун 33 миллион АҚШ доллар миқдоридан ёрдам кўрсатишини маълум қилди. «Франс-пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, бу келишув икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳри полициячилари Туркия давлатининг Финляндиядаги элчихонаси биносидан содир бўлган ёнғин сабаблари юзасидан тергов жараёнларини бошлашди.

Россия Федерацияси Миллий барқарорлик фонди маблағларини бошқариш тартибини ўзгартирди.

Кеча Ҳиндистон Ойга «Чандраян-1» номи ўзининг дастлабки сунъий йўлдошини учирди.

Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар натижасида нефт нархининг пайсаянглиги кузатилди. Хусусан Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 69,06, Нью-Йоркда эса 70,84 доллар миқдоридан қайд этилди.

Кеча Техронда ўтказилган жаҳондаги газ захирасининг 60 фоизи жойлашган Россия, Эрон ва Қатар давлатлари соҳа раҳбарларининг учрашувида газ соҳасида ҳам нефт экспортчиларининг ОПЕК ташкилотига ўхшаш ташкилот тузиш тўғрисида фикрлар билдирилди. Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи ва АҚШ бундай режага қарши.

Жанубий Африка Республикасининг «Оптимал энержи» компанияси электродвигателли «Жоуль» автомобилни ишлаб чиқди. Маълумотларга кўра, нархи 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу машина атроф-муҳитга зарар етказмайди ҳамда жуда тежамкор.

Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида қурилиши тугалланмаган метро кўприги кулаб тушди. Маълумотларга кўра, қурилиш жараёнида меъридан ортиқча юк кўтарган автокраннинг пўлат арқонлари узилиб кетиб, кўприкнинг бир қисмига шикаст етказган. Фожеа оқибатида икки киши ҳалок бўлган. Метрополитен раҳбарияти ушбу ҳолат эътиборсизлик туфайли юз берганини таъкидлаб, воқеа юзасидан текшириш олиб борилишини айтиб ўтди.

Германияда шахсий коллекциядан 3 миллион долларлик кийматга эга машҳур уста Страдварери томонидан ишланган скрипка ўғирлаб кетилган. Ҳозирча жиноятчилар топилгани йўқ.

Афғонистоннинг Баграм шаҳридаги ҳарбий ҳаво қурали базасида АҚШнинг Р-3 Огюн русумли қирғоқ патрули самолёти ҳалокатга учради. Авиаҳалокат натижасида самолёт бортидагиларнинг барчаси тирик қолди. Фақат бир нафар экипаж аъзосига енгил жароҳатланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



ТОШКЕНТДА ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО «TASHKENTALE-2008» ФОТОБИЕННАЛИСИ БОШЛАНДИ. ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА


БАРИШЛАНГАН УШБУ ТАДБИР «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ФОТОБИЕННАЛЕГА МАРҲАМАТ!

Мазкур халқаро фотокўргазмада мамлакатимиз фотожодкорлари билан бир қаторда Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Япония, Канада, Хитой, Покистон, Исроил, Вьетнам каби йигирмадан ортиқ давлатдан вакиллар ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонига бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи - Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Халқаро кўргазманинг очилишида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф, Тошкент Фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Каримбоева, Хитой Халқ Республикаси Миллий фотография уюшмаси вакили Жоу Жинг, япониялик фотожодкор Нисимора Ясуши ва бошқалар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳам-



Кечка сатрларда

МИРЗО УЛУҒБЕК туманидаги 248-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Она тили — миллат руҳи» деб номланди.

ТОШКЕНТ Давлат иқтисодиёт университетида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ёшлар ўртасида ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни диний ақидапарастлик ва ёт гоялар таъсиридан асраш масалаларига бағишлаб уюштирилган анжуман доирасида йилгиларга ўзбек кино ustalари томонидан яратилган «Жаҳолат ботқоғи» фильми намойиш этилди.

ШАЙХОҲТОХУР тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Савдо-санот палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда туман тадбиркорлари иштирок этишди.

ШАЙХОҲТОХУР туманидаги 20-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ўзбек тили ва умминсоний қадриятлар» деб номланди.

РЕСПУБЛИКА болалар кутубхонасида педаголар, Республика Кўзи ожизлар жамияти аъзолари иштирокида ўтказилган анжуманда кўзи ожиз ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

БУГУН Миробод туманидаги Гафур Фулом номи маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўғарақлар, қурслар раҳбарлари, иштирокчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Хунарни хор бўлмас» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Фуқаролар йиғинига сайлов САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР ТАДБИР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛДИ.

Ҳар биримиз учун маҳалла оила каби муқаддас даргоҳдир. Кундалик ҳаётимиз маҳалла остонасидан бошланади. Шу нуктага назардан маҳалла ҳаёти, унинг ташвишлари бизнинг ташвишимиз десак муболага бўлмайди. Бўлажак сайловларни ҳам ҳаммамиз бирдай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир, давлат аҳамиятига моллик воқеа сифатида қабул қилмоғимиз ва фаоллик кўрсатмоғимиз лозимдир.

Ўрни келганда, шунини айтиб ўтиш лозимки, маҳалла асрлар давомида яшаб келаётган жамоатчилик тузилмаси эканлигини яхши биламиз ва албатта, унга ўхшаш тузилмалар бошқа давлатларда ҳам бўлиши мумкин, ammo демократик институт шаклида фақат бизда танилган, — дейди Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг мас-

лаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари Мавжуда Ражабова. — Маҳалланинг ноёблиги ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият юритишидадир. Ва бу борада унинг ҳуқуқий асослари мустақиллик йилларида шакллантирилганини инобатга оладиган бўлсак, бу мақомда маҳалла мустақиллигимиз меваси дея эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Фуқаролар йиғини фаолларини сайлаш ҳам фақат Ўзбекистонда алоҳида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида амалга оширилади. Республикаимиз фуқароларининг маҳалла каби кичик жамиятда бўлаётган жараёнларда фаол иштирок этиши эса демократиянинг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозоридан нарх-навоининг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пиروверд натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил ҳосилидан бошлаб контрактация шартномалари бўйича пахта хомашёси етиштириш ҳажмлари ва тегишли равишда пахта экиладиган майдонларни 1-иловага мувофиқ камайитириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига: 2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар 2-иловага мувофиқ кўпайтирилсин; зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туманлар ва ҳўжаликларда сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалик экинларини жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда: муайян қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эканлигига, фермер ҳўжаликларидан алоҳида экин турларига ишлов бериш бўйича кўникма ва тажриба мавжудлигига;

суғориш ва мелиорация тизимлари ҳолатига, ҳудудларнинг сув билан таъминлиши даражасига; лалми ерларда мойли, озуқабол ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ташкил этиш бўйича 2-иловага мувофиқ комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига 2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш ҳамда шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юксалсин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси: фермер ҳўжаликларини жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмларда ва муддатда юқори сифатли ишлов берилган ва дориланган бугдой уруғлари билан белгиланган тартибда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2009 йилда суғориладиган ерлар учун бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғларини тайёрлаш ҳажмларини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Давлат захиралари учун назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинларининг уруғларидан қўшимча экиш учун фойдаланишга руҳсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрда қабул қилинган «2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-956-қарорига мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 20 ОКТАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

«ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-4041-ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг улкан ресурс ва экспорт базасига эга етакчи тармоғи бўлган, республикада қайта ишлаш саноти учун муҳим манба ҳисобланадиган пахтачиликни ривожлантириш ва ислоҳ қилишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, сўнги йилларда такрорланаётган сув танқислиги пахта етиштириш учун гоят мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Фермерларимиз кейинги икки йилда, айниқса, жорий йилда ушбу муаммоларнинг нечоғли ўткирлигини ўз фаолиятида кескин ҳис қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

Тадбирлар

Ўқувчилар билан маърифий учрашув

Тил — миллат ифтихори ва кўзгуси, дил калитидир. Ҳар бир миллатнинг ўзигина, миллийлигини намоён этувчи қудратли кучдир.

Кучи кеча II Республика тиббиёт коллежида «Она тилим — онадек азиз» мавзусида тил байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, таниқли шоир ва ёзувчилар, тилшунослар иштирок этишди. Кечани Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мухтабар Солиҳова кириш сўзи билан очиб, ёшларга қарата миллий ифтихоримиз бўлган она тилимизни ҳамisha эъзозлаш ва қадрлаш зарурлигини ўқитиб ўтди. Тадбирда шунингдек таниқли шоир ва ёзувчилар — Эркин Самандар, Омон Мухтор, Турсун Али, Ўзбекистон Миллий университети доценти Норкул Бекмирзаевлар сўзга чиқиб, ўзбек тилининг бой имкониятлари, Мустақиллик йилларида она тилимизнинг маркази охири, юксалиб бораётганлигини, талабаларга муомала маданиятида тилимизнинг катта аҳамиятига эга эканлиги ҳақида гапириб, бўлажак ҳамшираларга ширин сўз билан беморни даволаш кераклигини қайд этиб ўтдилар ва ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Шундан сўнг талабалар ижросида тил ҳақида шеърин композиция, мумтоз куй-қўшиқлар янгради. Улғу мутафаккир Алишер Навоий асарларидан ва ўзбек тили ҳақидаги сахна кўринишлари намойиш этилди.

Тадбир сўнида семимли хонандалар ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар тадбирга янада файз киритди.

Насиба МУҲИБОВА

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ахборот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Омбудсман) хотибияти, Тошкент вилояти адвокатлар Ҳайъати Раёсати раиси, ОАВ вакиллари ҳамда талаба ёшлар иштирок этиди. Мазкур учрашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдига «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисидаги» Фармоннинг ижросига бағишланди. Тадбирда ушбу фармон асосида мамлакатимизда инсон ман-

ТАЛАБАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ТОШКЕНТ БАНК КОЛЛЕЖИДА «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

фаатларини қўлаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилганлиги алоҳида таъкидланди. Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу кўргазмали семинардан қўзланган асосий мақсад ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш,

унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, уни ёшлар онига янада чуқурроқ синдиришга қаратилган. Тадбирда сўз олганлар талабалар билан бевосита мулоқот уюштиришди. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, ёшларга саволлар билан мурожаат қилишди. Бир сўз билан айтганда талабалар ўртасида очик мулоқот ташкил этилди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси ва мазкур ҳужжат ўртасидаги боғлиқликни алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда бу каби учрашувларнинг ёшлар орасида ўтказилиши юқори самара касб этиши таъкидланди. Тадбир доирасида талабалар иштирокида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосидан кўриктанлов ўтказилиб, голиблар Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

ЁШ ДИЗАЙНЕР ВА МОДЕЛЬЕРЛАР ТАНЛОВИ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИДА РОССИЯ ДИЗАЙНЕРЛАРИ КЕНГАШИ ВА РФ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТҚАЗИЛАЁТГАН «ПОДИУМ-2008» Х ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ВА МОДЕЛЬЕРЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ДОИРСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда соҳа мутахассислари Миллий санъат марказида жорий йилнинг 19-27 октябрь кунлари ўтказилаётган ёш дизайнер ва модельерлар ҳафталиги тўғрисида батафсил маълумот берди.

Маълумки, «Подийум» танловига 1997 йили Жанубий Россия Давлат иқтисодиёт ва хизмат университети томонидан асос солинган. Айтиш жоизки, 2002 йили лойиҳа халқаро нуфузга эга бўлган. Мазкур лойиҳага Шахта, Ростов-на-Дону, Пятигорск, Сочи (Россия), Шарм-эль-Шейх (Миср), Брно (Чехия) сингари шаҳарлар мезбонлик қилишган. Ҳар йили Россия ва бошқа давлатларнинг 30-40 та шаҳарларидан 30-45 та олий ўқув юртли дизайнерлари 1000 дан ортик

либослар, пойабзал, аксессуарлар ҳамда арт-дизайни экспонатлари билан иштирок этиб келишади. Шуниси эътиборлики, танлов лауреатларидан 11 нафари Европанинг «ESMOD» ва «Mod Art», «Cloude Bonucci» ва бошқа етакчи мода мактаблари ҳамда ўйлариди малакаларини ошириш имкониятига эга бўлди. Танловнинг 400 нафардан ортик иштирокчилари эса лисос ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ишга тақлиф этилиб, бундан ташқари, ўз ательелари ва ижодий устоналарини фаолиятини йўлга қўйишга эришяпти.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бу йилги танлов прет-а-порте, авангард, пойабзал ва аксессуарлар, фольк, деним

ва дебют каби йўналишларда бўлиб ўтади. Бундан ташқари, X «Подийум» танлови доирасида ҳайбат аъзолари иштирокида амали семинарлар ва маҳорат дарслари ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Тадбирда мутахассислар томонидан ҳафталик доирасида олиб борилаётган ишлар, иқтидорли ёшларнинг ижод намуналарига берилаётган тақлиф ва тавсиялар тўғрисида ҳам айтиб ўтилди. Анжуманда сўз олганлар мазкур танловдан қўзланган асосий мақсад изъездодли, қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, талаба-ёшлар ўртасида ижодкорлик ҳиссини ривожлантириш, ҳамда маҳоратли дизайнерларни кашф этишдан иборатлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, бу каби танловларнинг ўтказилиши ўзбекистонлик ёш модельер ва дизайнерларнинг халқаро фестивал ва танловларда иштирок этишини таъминлаши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс»

СЕЙСМОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

САЙЁРАМИЗНИНГ ТУРЛИ ЖОЙЛАРИДА РҶЙ БЕРАЁТГАН КУЧЛИ ЕР СИЛКИНИШЛАРИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖИДДИЙ ЗИЁН ЕТКАЗИШИ БИЛАН БИРГА КЎПЛАБ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ЗОМИН БЎЛМОҚДА. БУНДАЙ МУАММОЛАР ЗИЛЗИЛАНING КЕЛИБ ЧИКИШINI ОЛДИНДАН ПРОГНОЗ ҚИЛИШ, ТАЛОФАТИНИ КАМАЙТИРИШ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИЛМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология институтида бўлиб ўтган зилзила хавфини баҳолаш ва унинг талофатларини камайтиришга оид долзарб вазифаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманда ана шулар ҳақида гап борди. Унда мамлакатимиз олимлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари билан бир қаторда Германия, Россия, Озарбойжон, Буюк Британия, Украина, Беларусь каби мамлакатлардан мутахассислар иштирок этиди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда Президентимиз Искрам Каримов ташаббуси билан илм-фани ривожлантириш, яратилаётган янги ихтиролардан амалда оқилона фойдаланиш, жамиятнинг барча жабҳаларида бўлганидек, сейсмология соҳасида ҳам илгор технологияларни ўзлаштиришга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган илмий ва амалий лойиҳалар ту-

файли Ўзбекистонни умумий сейсмик районлаштириш бўйича янги харита яратилди. Юртимизнинг турли ҳудудларидаги сейсмик станциялар замонавий рақамли технологиялар билан жиҳозланди. Бу ишлар соҳада тезкор ахборот алмашиш тизимини янада яхшилаш, фақулқолда вазиятлар хавфини камайтириш ва зилзилани олдиндан прогноз қилиш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилаётди.

Олимларимиз ҳозирги кунда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган ўттизга яқин грант ҳамда ҳўжа-лик шартномалари бўйича изланишларни давом эттиряётди. Бу жараёнда минтақамизда сейсмик фаолиятни аниқлаш, зилзилаларни олдиндан прогноз қилиш, халқ ҳўжалари иншоотлари ва аҳоли турар жойларини табиий офатлардан муҳофазалаш борасида ишлаб чиқилган махсус дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда Германиядаги зилзила хавфини олдиндан аниқлаш маркази (GFZ) раҳбари, профессор Жочен

Цшау, халқаро «Атроф муҳит химюяси: энергия ва сув» (ИНВЕНТ) лойиҳаси менежери, доктор Кристин Камлаг, Россия Фанлар академияси Ер физикаси институти директори, академик Александр Глико ва бошқалар мамлакатимизда сейсмология илмини ривожлантириш, унинг ютуқларидан амалда оқилона фойдаланиш, сейсмология хизмати қўламини кенгайтириш ва аҳолини табиий офатлардан муҳофазалаш тизимини такомиллаштириш бора-сида амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар самарасини юқори баҳоладилар.

Анжуманда глобал, регионал ва локал сейсмик фаолият, зилзила келтириб чиқарувчи жараёнлар назарияси оид замонавий қарашлар, умумий ва мукаммал сейсмик районлаштириш ҳамда сейсмик хавф-хатарни баҳолашнинг самарали технологиялари, муҳандислик геологияси ҳамда экологик шароитнинг ўзгариш тенденциялари каби мавзулардаги маърузалар тингланги ва муҳокама қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири



ТАСВИРЛАРДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ БАДИИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА РАНГТАСВИР ОЛАМИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА ТАНИҚЛИ РАССОМ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, РАНГТАСВИРЧИ РАССОМ ИМЯР МАНСУРОВНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «РАНГЛАР ЖИЛОСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан академик ва таниқли муассирлар, санъатшунослар, рассомнинг дўстлари ва шогирдлари мўйқалам соҳибни Имяр Мансуровнинг кулгў 60 ёши билан муборакбод этиб, унинг бетакрор ва самарали ижоди ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар. Кўргазманинг «Ранглар жилоси» деб номланиши бежиз эмас. Рассомнинг кўргазмадан ўрин олган турли мавзуларда яратган асарларини кўзатар эканмиз, ундаги ранг, нур ва соя ўйсини, ранглар уйғунлигини кўраимиз. Айнан шу жиҳатлар рассомнинг ўзига хос йўналишини белгиланган бўлса ажаб эмас. У яратган қатор рангтаасвир асарлар ўз муҳлислари қалбидан жой эгаллаган.

— Дарҳақиқат, Имяр Мансуров Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос йўналишга эга бўлган ижодкорлардан бири, — дейди академик, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икром-жонов. — Рангтаасвир йўналиши бўйича яратган асарлари тасвирий санъатимизни халқимизга, оммага таништиришда ўзига яраша кўп хизмат қилган. Унинг асарлари нафақат республикамизда, балки чет мамлакатларда кўплаб кўргазмаларда намойиш этилиб келинмоқда. Жумладан, бундан икки ой олдин Москва шаҳрида бўлиб ўтган шахсий кўргазмаси жуда кўп санъат ишқомандларининг оқшишга сазовор бўлди. Рассом яратган асарлардаги ранглар жилоси бизнинг она юртимиз, саҳий заманимиз ва табиатимиз ранглари билан ҳамоҳангдир. Айниқса портрет йўналишида яратган асарлари, ундаги образлар жуда ҳам ҳаққонийдир. Манзара асарларидаги композиция энцилар рассомнинг уйлаган мавзунини тўлақонли очиб беришига ёрдам беради.

Шуниси эътиборлики, рассомнинг она табиатни, шарқона оҳангларга, қолаверса, миллийликка мурожаат этиши унинг ўз Ватани фидойисини эканидан ҳалопат беради. Ҳар бир ижодкор сингари Имяр Мансуров ҳам Ватанини мадҳ этувчи рассомлардандир. Унинг асарларида муҳаббат, тинчлик, гўзаллик, умуман олганда кўтаринкилик ғояси илгари сурилган. Юқорида айтилганларга мисол тариқасида рассом қаламига мансуб «Сумалак», «Бибиҳоним», «Баҳор ва муҳаббат ҳақида кўшик», «Хосил», «Баҳор», «Куз» каби бир қатор асарларини тилга олиш мумкин. Айтиш жоизки, кўргазмада намойиш этилаётган эллика яқин турли жанрдаги асарлар Имяр Мансуровнинг халқига, она Ватанига тақдим этган тўхфасидир. Унинг ижодида ташна муҳлислар кўргазма билан танишиб, тўлиқ маънавий озиқ оладилар албатта.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Кўргазмадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

СУВ ЛОЙҚАЛАНМАСИН

Келин тайёрлаган кечки таомнинг тузи биров меъёридан ортиб кетибди. Бор гап шу. Шу нарса оилавий катта можарога сабаб бўлди десак, балки ким ишонар, ким ишонмас. Лекин гоҳида ҳаётда мана шундай арзимас воқеалар туфайли сан-манга бориб қолаётган эр-хотин, куда-куда-гайлар ўртасидаги можароларга ҳам ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Яқинда маҳалламиздаги оилалардан бирида бўлиб ўтган куйидаги можаро ҳам ана шу фикримизнинг далили бўла олади.

Оила аъзолари дастурхон атрофига тўпланганди.

— Овқатингиз тайёр бўлган бўлса суза қолинг, — деди қайнона келинига буйруқ оҳангиде. Келин чинни қосаларда ўтирганлар олдида тавозе билан бирма-бир таом келтириб қўйди. Коса тўла таомни кўриб, қайнона зам-

— Вой, нега айб менда бўларкан. Қилгиликни биров қилиб, нима аламни мендан оласизми, — хотин эрига ўшқирди.

— Бўлди, оғзингни юм.

— Ким таомни охиригача еди, ким уни дастурхонда шундоқлигича қолдирди. Эртасига эридан эшитган танбехнинг аламини қайнона келинидан олди. Келин ҳам чидаб туrolмади. Қаттиқ-қурқ сўз айтиб юборди. Хуллас можаронинг охири келиннинг аразлаб уйига кетиб қолиши билан яқунланди.

Қизларининг ноҳақ хўрланганини эшитган қудалар ўша куну кечкурун қувёниқига келишди. Боиси шу бўлдики, икки томон ўртасига совуқлик тушди. Шу туфайли ёш оила ажралишгача бориб етди. Яшиқки ўртага маҳалла аралашиб бу можарони босди-босди қилиб қудалар, қувё келини муросага келтириб қўйишди. Дошишманлар хўп кўриб, биллиб айтишган эканда «Қайнона қайнамасин, келин айнамасин» деб. Энг ёмони шу

Бўш жойимиз йўк». — деб бизни турсишга ундашди.

Бу гапдан ҳайрон бўлиб қолдик. Дилмиз оғрисида талашиб-тортишиб, кайфиятимизни баттар бузгимиз келмади. Индамай ўрнимиздан туриб жойимизни бўшатдик.

Кекса ота-оналаримиз «Меҳмон отандан улуг» дейишди. Чойхона ёки ошхонага кирган бегона киши ҳам аслида хўранда эмас, меҳмон саналади. Шундай экан, ушбу ошхона хизматчилари фақат даромадди эмас, одамийлик ёки меҳмондавонлик қоидаларини ҳам эсдан чиқармасалар яхши бўларди.

ҲАР НАРСАНИНГ УВОЛИ БОР

Эрта баҳор. Дарахтлар қийгос гуллаган палла. Ўн ёшли набирам каттагина ўрик шохини аранг кўтариб ҳовлига кирди. Қарасам шох тўла қулг. Улар орасида ёрага кириб қолган ўрик гунчалари ҳам бор.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

зема қилди. — Ёв қуваптим, мунча косани тўлдирисангиз.

Таомдан татиб кўрган эрка тантиқ қайин сингил лабини буриштириб она-сига қаради.

— Бунча шўр.

— Озгина намаги баланд бўлибди, ҳеч нарса қилмайди, ичавер кизим, — деди оила бошлиғи қайнота келининг ёнини олиб.

— Ичмайман, — қиз қошиғини тарақлатиб, косага уриб туриб кетди. Отасининг ёнида ўтирган ўғил (келиннинг эри) хотинига ўқрайиб қаради.

— Тузини кўрсанг ўласаними? Қайнона авж олди.

— Онангиз таом тайёрлашни ўргатганими ўзи? Дид-фаросатдан ҳам Худо берган эканда.

Келин қизариб-бўзариб ўрнидан турди-да ичкари кириб кетди.

— Танлаб-танлаб тозисига учрабмизда. Шундай пазанда, саранжом-сарийта қизлар турганда шунч оламан деб туриб олдинг. Ана энди ўзинг пишширган ош, ўзинг ичаверасан, — замзама қилди она ўлига.

Бу аччиқ сўзларга чидолмаган ўғил келиннинг орқасидан уйига кирди. Эр-хотин ўртасида айтишув бошланди. Жалд билан эр келиннинг юзига бир тарсаки тушди. Бир зумда оилавий можарога айланган бу машмашани қайнота ўртага тушиб эр-базўр тинчтиди.

— Ҳамма айб сенда, бир гапдан қолсанг ўласаними, — деб аёлига танбех берди қайнота.

ИЛТИМОС, ЖОЙНИ БЎШАТИНГЛАР

Сиз бирор чойхона ёки ошхонада чой ичиб, таом тановул қилиб бўлишингиз билан шу жойдаги хизматчилардан бири «Илтимос, жойни бўшатиңлар», деб сизни тезроқ туришга ундаса қандай ҳолатга тушасиз. Ҳар қалай ноҳуш вазият дилингизини оғри-тиб, ранкитидади.

Эски Жўва Бозори ҳаммаша гавжум. Бозор атрофидаги турна қатор тизили кетган хусусий таомхона ва чойхоналардан эрталабдан кечгача одам аримайди. Биз ҳам ўтган сешанба куну шу бозорда бўлиб, унча-мунча харид қилдик. Чарчаб ошхоналардан бирига кириб бироз хордиқ чиқармоқчи бўлдик. Бўш ўринга ўтиришимиз билан хизматчилардан бири олдимизга юғуриб келди.

— Нима буюртма берасизлар? — дея таомлар рўйхатини санаб кетди.

Чой ва нон буюрдик. Табиийки, арзон-гаров буюртмамиздан хизматчининг кўнгли тўлмади. Бу орада у яна икки-уч бор олдимизга келиб, қандай таом келтиришни сўради. Биз рад этдик. Ҳали чойимиз тугар-туғамас у яна олдимизга келиб: «Илтимос, тезроқ жойни бўшатиңлар. Бошқа хўрандалар кутиб қолишди. Столимиз кам.

— Бу нима? — сўрадим набирамдан.

— Кўрмаясизми, бобо, бу ўрик шохуку.

— Дарахт шохларини ким синдирипти десам, бу сенинг ишинг эканда. Нега синдирансан дарахт шохларини.

— Бизникини мен синдирийман, Эркин синдиради. Мен уларикини синдиридим.

— Нега синдирансан. Ахир бу гуллар ўрик тугиб берадику. Улар пишганда қанча ўрик бўларди.

— Бировники бўлгандан кейин сизга барибир эмасми бобо. Ўриги пишганда Эркинлар бизга бермайдику.

— Билиб қўй бўтам, — дедим шунда набирамга ўқдириб. — Уларнинг ўригини биз емасак бошқалар ейди. Қўнда бўлса эл тўяди. Энди тушундингми?

Набирамга гапиряпман, беихтиёр ёшлик чоғимда ўзим билан ҳам худди шундай воқеа бўлиб ўтганини эслаймман. Ушанда отам бу қилмишимни қоралаб қулгоимни қўзиб қўйганди. Мен эса иккинчи бундай адабсизлик қилмасликка сўз бергандим. Ушандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин отам қилган насихат шир ёдимдан чиқмайди.

Ёшлик бебошлик қилиб, шўр, уйинқароқ болалар томонидан синдирилган бўлик дарахт шохларини ва улардаги хали пишиб улгурмаган гўра меваларини кўрсан ич-ичимдан ачиниб кетаман.



Савол: Турар жой ижараси ҳақида тегишли тушунча берсангиз. Ундан қимлар фойдаланиши мумкин?

Собит Асқаров, Сергели тумани.

Жавоб: Турар жой юридик шахсларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ижара шартномаси асосида берилади. Юридик шахс турар жойдан фақат фуқаролар яшаши учун фойдаланиши мумкин.

Турар жой ижараси шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Бундай шартнома қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Турар жойни ижарага бериш тартиби ва унинг қиймати;

Ижаранинг муддатлари;

Ижарага берувчи ижарага бераётган турар жойнинг, муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

Шартнома муддати ўтиши билан турар жойни ижарага берувчига қайтариш тартиби;

Ижарага берилган турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари;

Ижарага берилган жойни ижарага бериш ёки иккиламчи ижарага бериш имкониятлари, шартлари ва тартиби;

Тарафларнинг жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексининг 86-моддасида белгилаб қўйилганидек, турар жой ижараси шартномасига тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Ижарага берувчи турар жойни ижарага олувчига яшаш учун яроқли ҳолатда бериши шарт.

Ижарага берувчи ижарага берилаётган турар жойнинг муҳандислик қурилмалари ва конструкцияларидаги шартнома тузилаётган пайтда аниқланган ёки аниқланмаган барча нуқсонлар, носозликлар учун жавобгар бўлади.

Савол: Васийлик ва ҳомийлик, уни қайси органлар белгилаши ҳамда васий ва ҳомийларни тайинлаш тартиби ҳақида кенгроқ тушунча берилишини сўрадим.

Равшан Отабеков, Чилонзор тумани.

Жавоб: Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тай

Оз-Оз ўтганиб
Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ПАҲЛАВОН МАҲМУД
ҲИКМАТЛАР

Бир ерда азизлар то бўлибдирсиз жам,
Бас, бир-бирингиз қадрига етинг ҳар дам.
Қимматли бу фурсатни ганимат билинг,
Қайтиб келадими ёки йўқ шу дам ҳам.

Куфр оламидан дингача бир лаҳза эмиш,
Шак манзилдан чингача бир лаҳза эмиш.
Бас, сен бу азиз лаҳзани хуш ўтказгил,
Умр ўзи шу — ўлгунгача бир лаҳза эмиш.

Бу ажзу ниёз йўлида бир дил ганимат,
Сухбат тиласанг, дўсти комил ганимат.
Юз Каъба ўтаверсин бир дил қошидан,
Юз Каъбасидан бир дилни бил ганимат.

Бизга ватану манзилу маъво шу замин,
Биз гарчи ганимат,
Боқий аммо шу замин.
Юз йил яшасак-да, шод унинг устида биз,
Охир тушамиз остига,
Чин жо(й) шу замин.

Бўлмайдими бу дунёда бебақо —
Кўргайман,
Ўзимни гариб бенаво кўргайман.
Хорун каби мол-дунёси кўп зотларни
Мен охират уйида гадо кўргайман.

Капгир каби ёв ўқлари қилса абгор,
Мансур каби усрингни басар этса дор,
Юз йил ё такаббур қўлида бўлсанг хор,
Аҳмоқ билан ўтиришдан афзал минг бор!

Ўт ичра тушиб, юз йил гар қоврилсанг,
Айлансангу кулга ҳар тараф соврилсанг,
Нокас ила бир дам ўтиришдан афзал,
Нокас сўзи баттардир ўлимдан, билсанг!

Бузма сира тузгач аҳд ила паймонни,
Дўст суфрасидан йўкса ушатма нонни.
Бу Маҳмуди Пурёрвали сўзини эшит:
Синдирма тузини тугатиб туздонни!

Ботир кучини кўрсатади ҳар кишига,
Юз қалъа ушалган тоб бермай кучига.
Юз йил туну кун намозу рўза қилсанг,
Етмайди бир очни тўйғазишлик ишига.

Ёмон бўласанми, бўл ёмондан-да ёмон,
Яхши бўласанми, бўл яхшига замон.
Бил, яхши-ёмоннинг ораси озгина йўл,
Яхши бўлса олсанг, сира ҳам бўлма ёмон.

Ҳар лаҳза сенга сабру чидам бўлсин ёр,
Ҳар лаҳза ҳаётда камтарин бўл, хоксор.
Кўп сўзлама то қолма уятга зинҳор,
Эъзола улугларни, десанг, бўлма хор.

Оғзингга тикаверма ҳар ўн бармоқни,
Кўй ҳар сўзидан элнинг айб ахтармоқни.
Меҳмонга қақирсалар адабни сақла,
Ботирма таомга тўртала бармоқни.


Овга ярамас шердан тулки маъкул,
Ачқикми ҳаёт, битгани яхши буткул.
Етказмаса элга манфаат хусну жамол,
Юсуф эса-да, чоҳда абад қолсин ул.

Пешво бўлиш истасанг, гурур этма ҳеч,
Малҳам бўлу эл дардига мушкулни еч.
Десангки, ёмонлик етмасин ҳеч кимдан,
Ёмон сўзу ёмон иш, ёмон ўйдан кеч.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Касаба уюшмалари фаолиятидан
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
МУҲИМ ЭЪТИБОР

ЯҚИНДА ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ НУРИЛЛА
НАСИМОВ КИРИШ СЎЗИ БИЛАН ОЧДИ ВА ОЛИБ БОРДИ.



Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти жамоаси мамлакат миқёсидаги спорт мусобақалари, спартакиадаларда муносиб қатнашиб келмоқда. Жумладан, пойтахт жамоаси 2006, 2007-йилларда Республика Хотинқизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган аёллар спартакиадаси мусобақаларида ғолиб чиқиб, 2007 йилда Бухорода ўтказилган «Саломатлик» республика спартакиадасида ва «Ёшлар йили»га бағишланган Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида жорий йил 9-11 сентябрь кунларида Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Республика спартакиадасининг финал босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти жамоаси мамлакат миқёсидаги спорт мусобақалари, спартакиадаларда муносиб қатнашиб келмоқда. Жумладан, пойтахт жамоаси 2006, 2007-йилларда Республика Хотинқизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган аёллар спартакиадаси мусобақаларида ғолиб чиқиб, 2007 йилда Бухорода ўтказилган «Саломатлик» республика спартакиадасида ва «Ёшлар йили»га бағишланган Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида жорий йил 9-11 сентябрь кунларида Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Республика спартакиадасининг финал босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

2004 йилдан 2008 йилгача 8 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 28 нафар Ўзбекистон спорт устаси тайёрлаб, 32 спортчи мамлакат миллий терма жамоалари таркибига, 42 ўқувчи-спортчи эса терма жамоа аъзоллигига номзоддир. Пойтахт касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спорт мактаблари бир қатор номдор спортчиларни тарбиялаб етиштирди. Улардан тўрт спортчи: Гузал Хуббиева, Луиза Галиуллина, Ильдар Хафизов ва Ольга Гнедовская Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида иштирок этдилар. 2006 йил



да Қатарда ўтказилган Осиё ўйинларида тўққизта спортчимиз қатнашиб, енгил атлетикачи Гузал Хуббиева биттадан олтин, кумуш, юнон - рум кураши бўйича беллашувларда Равшан Рўзиқуллов кумуш, боксчиларимиз Жасур Матчонов кумуш, Беҳзод Хидиров бронза ва енгил атлетикачи Замира Амирова бронза медалларининг соҳиби бўлиб, жами битта олтин, учта кумуш, иккита бронза медаллари кўлга киритилди.

Конференцияда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, тегишли хулосалар қабул қилинди. Маърузадан сўнг мусокараларда сўзга чиққанлар спортнинг оммавийлигини ошириш, истеъдодли спортчиларни тайёрлаш борасидаги ечилиши лозим бўлган масалалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

мамлакат спорт шарафини ҳимоя қилишга қодир бўлган истеъдодли спортчиларни етиштиришда улкан ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, Олимпиада ўйинларида спортчиларнинг муносиб қатнашиши учун гамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини, бу борадаги касаба уюшма спортининг вазибалари ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида, Пекин олимпиадасида спортчиларимизнинг иштироки, эришилган муваффақиятлар, спортнинг тинчликка, эзгуликка хизмат қилиши, мамлакатни дунёга тезда танитишдаги бекиёс хизмати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сўнгра Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Пекин ёзги олимпиадасида қатнашган пойтахт касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакиллари, уларнинг устозларига ҳамда бошқа таниқли спортчилар, уларнинг мураббийларига, спорт фахрийларига эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

«Мен учта олимпиадада қатнашдим, - дея сўз бошлади Пекин ёзги олимпиадаси иштирокчиси, 2006 йилда Қатарда ўтказилган Осиё ўйинларининг олтин, кумуш медаллари соҳибаси Гузал Хуббиева. — Осиё ўйинларида ғолиб чиқиб, мамлакатимиз мадҳияси янграб, байрогимиз юксакликка кўтарилганда кўзларимдан секин ёшларим чиққан бахтли лаҳзалар бир умр ёдимда қолди. Пекин олимпиадасида курашчимизнинг олтин медал олгани ҳам беҳад қувонганман». Дарҳақиқат, спорт яхшиликка, эзгуликка хизмат қилади.

Улуғбек ПЎЛАТОВ
СУРАТЛАРДА: тадбирдан
лаҳзалар
Ҳақимжон Солиқов олган
суратлар

Спорт янгиликлари

завқидан баҳраманд бўлишди.

Дарвоқе, фестивал ташкилий қўмитасининг раиси Чунжу шаҳар мэри Хо Бок Ким ўзбек курашининг дунёдаги ривожига, жаҳон узра кенг қулоч ёзаётганига юксак баҳо бериб, ўзбекистонлик полвонлар маҳоратига тан берди ва уларга махсус сертификатлар топширди.

ЧИМКЕНТДАН ЁРУФ ЮЗ
БИЛАН

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧИМКЕНТ
ШАҲРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА БОКС БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎТКАЗИЛДИ.

Қозоғистон, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон боксчилари иштирокида ўтказилган турнир ҳамюртларимизга муваффақият келтирди. Ўз вазн тоифаларида боксчиларимиздан Паҳлавон Ҳожиёв, Бобур Айтбоев, Аҳмад Мамажонов, Сардор Бегалиев ва Фарҳод Исломовлар турнир ғолиблигини кўлга киритгани қувонарли ҳол. Шунингдек, турнирда қатнашган ака-ука Юсуф ва Аҳмад Асаевларга кумуш медаллар насиб этган бўлса, Рўзибой Раҳмонов, Ургут

Ҳожиёв, Шерзод Исоқжонов, Авазбек Обиджонов, Рустам Ҳамдамов, Даврон Абдурахмонов ва Фирдавс Собировлар бронза медаллари билан қийофланди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ —
ТУРНИР ҒОЛИБИ

РОССИЯНИНГ ТОМСК ШАҲРИДА
ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА
ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА АЛЕКСАНДР
КАРЕЛИН СОВРИНИ УЧУН
УЮШТИРИЛГАН ТУРНИР
МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИГА
МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Гап шундаки, ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Фаррух Абдурахмонов, Шерзод Курбонов, Баҳром Муродов, Саид Абдуллаевлар ўз вазн тоифаларида олтин медаллар эгасига айланишган бўлса, Нурбек Ҳаққуллов ва Дилшод Сулаймоновларга кумуш медаллар насиб этди.

(Ўз муҳбиримиз)

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА
КУРАШ ОЛҚИШЛАНДИ

МАЪЛУМКИ, 12-17 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
ТУРКИЯНИНГ ИСТАМБУЛ ШАҲРИДА КУРАШ
БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА V ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёш ўзбек полвонлари учун қуни кеча Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида уюштирилган Шарқ яккакурашлари фестивали ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

Ишқибозларга маълумки, бундан саккиз йил муқаддам Жанубий Кореяда ўтказилган Шарқ яккакурашлари фестивали дастуридан ўзбек кураши ҳам ўрин олган эди. Ана шундан буён ҳар йили Чунжуда уюштирилган ушбу фестивалда ўзбек кураши ҳам ишқибозларга намойиш этиб келинади.

Шуниси қувонарлики, бу сафар ҳам минглаб Жанубий Кореялик ишқибозлар ўзбек полвонлари — Исқандар Хайдаров, Тўрабой Ўтаев ва Беҳзод Тўрабоевлар томонидан намойиш этилган ўзбек кураши усуллари

Хазонларни ёқманг

САЛОМАТЛИГИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

АЙНИ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТЎКИН-СОЧИЛИК РАМЗИ БЎЛИМИШ ОЛТИН КУЗ ФАСЛИ
ҲУҚМОНЛИК ҚИЛМОҚДА. ДАРАХТ ВА ГУЛЛАНИНГ ОЛТИНДЕК САРАЙГАН БАРТЛАРИ ИСТАР-
ИСТАМСА БАНДИДАН УЗИЛИ ОЕҚЛАРИНГИЗ ОСТИГА ПОЁНДОЗ БЎЛМОҚДА. КЕЧ КУЗНИНГ ИЛИҚ
КУНЛАРИНИ ГАНИМАТ БИЛАН БИЛАН КЕКСАЮ ЁШ БОҒ ВА ХИБОНЛАРДА ҲОРДИҚ ЧИКАРИБ,
ҚУЁШНИНГ ЁҚИМЛИ ТАФТИДАН БАХРА ОЛМОҚДАЛАР.

Лекин шу вақтда димоғни ачиштириб, кўларингиздан дув ёш тўкилишига сабаб бўлаётган, бетоб кўнгилларга янада оғриқ бераётган нохуш ҳодиса — йилгилган хазонларни ёқиш кайфиятингизни бир зумда тушириб юборади. Мана неча йилдирки, куз фаслида йилгилган хазонларни ёқишнинг ёмон оқибатлари, аччиқ тўтун турли касалликларни келтириб чиқариши, табиатта салбий таъсир кўрсатиши, экологияни бузиши, айниқса астма касалига чалинган беморларнинг аҳоли ёмонлашуви кекса, бетобларга ёмон таъсир қилиши ҳақида таъкидланади, кўрсатув, суҳбат, тадбирлар ташкил қилиб тушунириб келинмоқда. Афсуски, бундай ҳолатлар камийган бўлсада ўраб туриши кишини ранжитади. Биз шахримиз маҳалларидан бу борада олиб борилаётган ибратли ишлар билан танишиш мақсадига Сергели туманидаги «Чоштепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тохир Арипов билан суҳбатлашдик.

Маҳалламизда 5200 нафар турли миллат вакиллари яшаб келмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Асосан улар шахсий хонадонлар ва 6 та кўп қаватли уйларида яшашади. Маҳалламиз тумандаги энг катта ҳудудда жойлашган. Чоштепа кўчаси асосий йўл ҳисобланиб узун масофани қамраб олган. Ҳудудимизда 32, 303-умумтаълим мактаблари, 605-мактабгача таълим муассасаси, 11-оилавий поликлиника жойлашган. Фаолиятимизнинг асосий йўналиши аҳолининг тинч-тотув, соғлиқ-саломатлигида яшашларига қаратилган. Яъни, маҳалламизнинг озода, хушманзара, дов-дарракт, гуллар

билан чирой очилиши, кузги-кишки юмушларнинг вақтида бажарилишига эришиб қилиш-кировли кунларга тайёр туриш ҳам вазибаларимиз сирасига киради. Бунда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилфуза Тиллаходжаева, хотин-қизлар комиссияси раиси Жамила Шарифуллина, етти нафар посбонларимиз сардори Азиз Хосмановларнинг ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлари катта самара бермоқда.

Маҳалламизда айни кунларда хазон ёқишнинг нохуш оқибатлари ҳақида тушунириш олиб борилмоқда, тадбирлар ўтказилмоқда. 11-оилавий поликлиника шифокорлари фуқаролар билан ҳар ҳафтада турли мавзуда учрашувлар ўтказиб келадилар, соғлиқларини текшириб, тиббий кўрик натижаларига кўра соғлиғида нуқсон бўлган беморни шифокор назоратига олиб, даволаш ишларини олиб борадилар. Яқинда хазон ёқмаслик, махсус қовланган хандакларга кўмиш лозимлиги ҳақида аҳоли билан учрашув ўтказилди. Шифокорлар

мисоллар келтириб, мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаси ва маслаҳатларини бердилар. Бундан ташқари туман ҳокими қарорига мувофиқ ташкил этилган «Яшил патруль» кўнгилли жамияти аъзолари тозалик ва ободонлаштириш ишларида доимий кўмакчимиз ҳисобланади. Улар доимо қачон, қаерда бўлишларини билдилар, қайси кўчадан ҳабардор бўлиб, қўйилган махсус яшкларга чиқиндилар солинатгани, йўқми назоратлари олинган. Бизга яна ҳудудимиздаги 224-милиция таянч пункти инспекторлари — капитан Салим Раҳмонов, катта инспектор Саиджон Жўрақуллов, 17 та кўча бошлиқлари яқиндан ёрдам бериб келадилар. Улар аҳоли, мактаблардаги ўқувчи, ўқитувчилар, ҳатто боғчадаги кичкинтойлар билан ҳам иш олиб борадилар. Ободонлаштириш ва озодалликка эътибор қаратишиб, ёшларни ҳам шунга ўргатишмоқда. Айниқса «Яшил патруль» аъзоларининг тўтаётган ишларидан катта-кичик хурсанд бўлмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз ҳамшаҳарлар, мана шахримиздаги биргина маҳалла тизимида хазон ёқишнинг нохуш оқибатлари, унинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар билан яқиндан танишингиз. Истардиқки, шахримиз аҳолиси саломатлигимизни асраш ўз қўлимизда эканини тушуниб, ён-атрофларидан воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлмасалар. Қаерда хазон ёқилаётган, ободонлаштириш ишларида жиддий ёндошилмаётган бўлса, озгина қуйинчлик кўрсатсалар, айбдорларни оғохлатиб, тартибга чакирсалар, олам гулистон. Ахир кўлдан қуён қочиб қутилмас деган нақл бежизга айтилмаган! Кўплашиб шахримизнинг қутлуг тўйини — 2200 йиллик санасини муносиб кутиб оласак деган хайрли мақсадни ният қилдик. Сафимизга қўшилиб, фахру ифтихоримиз, пойтахти азим — Тошкент шаҳри сизу бизнинг барчамизнинг қутлуг остонамиз, уни асраш барчамизнинг бурчимиз.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Ўзлонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқди. — 563
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3298 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

«Toshkent metropoliteni» ДУК
умумий майдони 9066 м², «Toshkent
metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангар-
ли омборхона ва офис биноларини ижа-
рага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани,
Сувбўйи — Кўприкли кўчалари.
Маълумот учун тел: 239-89-27

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
5

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОҚИМЛИГИ
Буюртма Г - 906